

АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАРНИ ТАДҚИҚ- ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Nazarov Maqsud

Qarshi davlat universiteti PhD katta o'qituvchisi

Murtazayev Bahrom

Qarshi davlat universiteti PhD katta o'qituvchisi

Yaxshiboyev Barot

Qarshi davlat universiteti 1-kurs magistri

Калит сўзлар. антропоген ландшафт, ландшафт, ландшафт идикатция, геосистема, табиий ҳудудий комплекс, геокомплекс, маданий ландшафт

Аннотация. Маколада Антропоген ландшафтлар тўғрисидаги тушунча ва уларнинг илмий назарий асослари ҳамда ландшафтларнинг тадқиқ этиши орқали илмий амалий аҳамияти таҳлил қилинган.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE STUDY OF ANTHROPOGENIC LANDSCAPES

Nazarov Maqsud

Karshi State University PhD Senior Lecturer

Murtazayev Bahrom

Karshi State University PhD Senior Lecturer

Yaxshiboyev Barot

Karshi State University 1st year master

Keywords. anthropogenic landscape, landscape, landscape identification, geosystem, natural territorial complex, geocomplex, cultural landscape

Annotation. The article analyzes the concept of anthropogenic landscapes and their scientific theoretical foundations, as well as their scientific and practical significance through the study of landscapes.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ АНТРОПОГЕННЫХ ЛАНДШАФТОВ

Назаров Максуд

*Каршинский государственный университет PhD Старший
преподаватель*

Муртазаев Бахром

*Каршинский государственный университет PhD Старший
преподаватель*

Якишибоев Баром

Каршинский государственный университет 1 курс магистратура

Ключевые слова. антропогенный ландшафт, ландшафт, ландшафтная идентификация, геосистема, природно-территориальный комплекс, геокомплекс, культурный ландшафт

Аннотация. В статье анализируются понятие антропогенных ландшафтов и их научно-теоретические основы, а также их научное и практическое значение через изучение ландшафтов.

Антропоген ландшафт тушунчасининг вужудга келиши, жумладан ландшафт - инсон муносабатлари кучли акс этадиган, табиий ресурсларга эга бўлган ва қайта тикланадиган ҳамда генофонд сакланадиган табиий система, инсон ҳаёт кечирадиган ва фаолият юритадиган муҳит, табиий лаборатория ва эстетик идрок қилиш манбаи эканлиги, шунингдек, географиянинг ривожланишида ландшафт (геосистема, табиий ҳудудий комплекс, геокомплекс) концепцияси энг муҳим илмий-назарий масалалардан бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, бизнинг тасаввуримизда ва тадқиқотимизда ландшафт умумий тушунча сифатида қаралиб, у турли таксономик бирликдаги географик комплексларнинг синонимидир. (М.Назаров, 2020). [6]

Ландшафтни умумий тушунча нуқтаи назардан талқин этиш С.С.Неуструев, Ф.Н.Мильков илмий ишларида эътироф этилган ва ривожлантирган. Ф.Н.Мильковнинг таъкидлашича рельеф, иқлим, тупроқ, ўсимлик қандай умумий тушунчага эга бўлса, ландшафт ҳам худди шундай умумий тушунча ҳисобланади. Умумий тушунча тарафдорларининг фикрича ландшафт тушунчаси ҳам барча турдаги ва катталиқдаги географик объектларга тадбиқ этилаверади.

Табиатда антропоген ландшафтлар мавжудлигини, уларнинг турли-туманлигини ландшафтшунос олимлар бирданига эмас, балки аста-секинлик билан тан ола бошлашган. “Антропоген ландшафт” термини россиялик географлар А.Д.Гожев ва Б.Н.Городков томонидан таклиф қилинган. А.Д.Гожев 1930-йилда биринчи бор антропоген ландшафтни табиий комплекс сифатида ажратган (Назаров, 2012). Антропоген ландшафт концепцияси россиялик машхур географ-олим Ф.Н.Мильков томонидан асосланди ва унинг илмий мактаби намоёндалари томонидан ривожлантирилди.[5]

Ю.Г.Саушкин (1946) «маданий ландшафтларни ўрганиш учун географиянинг алоҳида бир тармоғи бўлиши керак» деган ғояни илгари суради. У «маданий ландшафт деб табиий муҳитнинг узвий элементлари инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли ўзгартирилган ландшафтни тушунмоқ лозим» деган ғояни илгари суради.[8] Бу ғоя антропоген ландшафтшуносликнинг вужудга келиши шу даврнинг талаби эканлигини билдиrsa, А.М.Рябчиков (1972) ландшафт сферасида тарихан таркиб топган ландшафтларнинг барчаси инсон таъсирида муайян даражада ўзгарганлигини эътироф этиб, ҳозирги ландшафтлар антропоген ландшафтларнинг маълум даражада ўзгартирилган табиий ландшафтлар билан худудий бирикмасидан иборат деб таъкидлайди.[7]

Ф.Н.Мильковнинг (1970) “Ландшафтная сфера Земли” номли китобида “инсон томонидан ўзгартирилган ва барпо этилган комплексларни ўрганиш билан антропоген ландшафтшунослик шуғулланиши керак”, деб таъкидлаб

ўтганидан сўнг ландшафтшунослик таркибида янги бир илмий йўналиш - антропоген ландшафтшунослик шаклана бошлади. Инсон фаолияти туфайли ўзгартирилган географик комплексларни антропоген ландшафт деб атаемиз.[4] С.В.Калесник (1970), А.Г.Исаченколар фикрига кўра ландшафтнинг тўлиқ ўзгариши учун унинг геологик асоси, яъни фундаменти ҳам ўзгариши керак деб таъкидлайди, лекин биз бу фикрга қўшилмаймиз.[3]

Ўтган даврлар мобайнида антропоген ландшафтларни тадқиқ этишга, уларни баҳолаш ва карталаштириш масалаларига бағишлиланган кўплаб илмий ишлар бажарилди. Буларга В.И.Федотов (1985) Ўрта рус баландлиги ўрмон-дашт зонасида вужудга келган техноген ландшафтларни, Г.И.Гришанков (1972) Тоғли Қrimдаги, Н.А.Гвоздецкий (1977) ва А.Е.Федина (1977) лар Кавказ ўлкасидаги антропоген ландшафтларни тадқиқ этишади ва карталаштириш ишларини амалга оширишади. Ўрта Осиё, хусусан мамлакатимиз худудидаги антропоген ландшафтларни ўрганишни А.А.Абдулқосимов бошлаб берди ва ўзига хос илмий мактабга асос солди. Ўзбекистоннинг антропоген ландшафтларини ўрганишда А.А.Абдулқосимов (1966, 1972, 1983, 2013), Б.В.Виноградов (1977), Х.Ваҳобов (1998, 1999), А.А.Абдулқосимов, ЮАбдураҳмонова (1998, 2001, 2002), А.Абдулқосимов, Қ.Ярашев (2014), А.Абдулқосимов, Ю.Абдураҳмонова, К.Давронов (2017), А.Абдулқосимов, М.Назаровларнинг (2012) Ўзбекистон худудлари мисолида олиб борган тадқиқот ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, антропоген ландшафтларни ўрганишда А.А.Рафиқов, А.Максудов, Ш.С.Зокиров, С.Б.Аббосов, С.И.Абдуллаев, К.М.Боймирзаев, Р.Й.Ҳоликов, И.Х.Жанкобилов, Ш.Дусanova, М.С.Шамуратов ва бошқа тадқиқотчиларнинг хизматлари катта бўлди.

А.А.Абдулқосимов (2004) нинг таъриф беришича, антропоген ландшафт Ер ландшафт сферасининг кучли ўзгарган ва ўзгартирилган қисми бўлиб, инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли шаклланган. Айрим манбаларда антропоген ландшафт тушунчасининг синоними сифатида “маданий ландшафт”, “ўзгартирилган ландшафт”, “техноген ландшафт”, “антропоген

геосистема”, “бунёдкорлик геосистемалари” каби терминлар ҳам қўлланилади.[1]

Таҳлил ва синтезларга асосланиб, табиатда макон ва замонда антропоген ландшафтлар мавжуд деб эътироф этамиз ҳамда антропоген ландшафт деб, дастлабки табиий хусусиятлари инсон таъсири натижасида тубдан ўзгартирилган, келиб чиқиши нуқтаи назаридан хилма хил бўлган, сунъий омиллар таъсирида антропоген модификацияланган ҳамда ўзининг мустакил генетик қаторига эга бўлган географик комплексларни тушунамиз. Уларга агроландшафтлар, саноат-техноген ландшафтлар, йўл-коммуникацион, ирригацион, туристик-рекреацион геотехсистемалар, селитеб, мадфун ва сакрал ландшафтлар мисол бўлади. Антропоген ландшафт тўғрисидаги таърифдан шуни кўриш мумкинки, инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ҳозирги даврда муайян ҳудуд табиатидан фойдаланиш жараёнида вужудга келган антропоген ландшафтларнинг мавжудлигини кўпчилик олимлар эътироф этишади. Аммо, антропоген ландшафтларнинг терминологик тизимга солиш ва таснифлашга доир масалаларда ҳанузгача яқдиллик йўқ.

Антропоген ландшафтлар ҳамма географик зоналарда, тоғли ўлкаларда учрайди ва улар турли хил зонал шароитларда вужудга келади. Ҳар бир зона ўзининг антропоген ландшафтлар спектрига эга. Масалан, арид зона учун воҳали-شاҳар, воҳали-қишлоқ, воҳали-қишлоқ хўжалиги, ирригацион, воҳали кучли намланган, баҳорикор қишлоқ хўжалиги каби антропоген ландшафтлар характерлидир.

Ҳозирги ландшафтларни антропоген омиллар таъсирида ўзгариши (антропоген модификацияланиш) даражасига кўра тасниф қилиш мақсадида мавжуд масалага доир адабиётлар (А.Г.Исаченко, А.М.Рябчиков, Ф.Н.Мильков, А.А.Абдулқосимов, С.И.Абдуллаев ва бошқалар) билан танишув ва таҳлил қилиш асосида ҳозирги ландшафтларнинг 4 та асосий груҳи: 1)табиий (бирламчи) ландшафтлар, 2) табиий-антропоген ландшафтлар, 3) қайта табиийлашган (ренатурлашган) ландшафтлар ва 4) антропоген ландшафтларга ажратиш мумкин.

Антропоген ландшафтшунослик нисбатан янги илмий йўналиш бўлганлиги сабабли унда ҳанузгача ечимини топмаган муаммоли ва мунозарали масалалар жуда кўп. Шулардан бири қайси ландшафт қай даражада антропогенлашган ва уларни антропоген ландшафтлар деб аташ мумкинми ёки йўқ, табиий ландшафт қачон антропоген ландшафтга айланади, табиий ландшафтларни антропоген ландшафтларга айлантирилиши учун компонентлар қай даражада ўзгартирилиши лозим бўлади каби саволлардир. Антропоген ландшафтлар табиий ландшафтлардан кўп жиҳатлари билан фарқ қиласди. Антропоген ландшафтлар учун биологик айланма ҳаракат, сув–иссиқлик баланси, тупроқ жараёнлари, жонли организмларнинг сони ва турлар таркибининг қайта тузилиши хосдир. Антропоген ландшафтларнинг ўзгариши туб табиий ландшафтларнинг ўз–ўзидан ривожланишига нисбатан анча тезроқ содир бўлади. Антропоген ландшафтларнинг бу хусусияти улардан фойдаланиш жараёнида бир томондан нохуш ўзгаришларга жиддий эътибор беришни, бошқа томондан эса қисқа вақт давомида (бир авлод ҳаёти давомида) ландшафтларни тартибга солиб туриш ва қайта тузиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Антропоген ландшафтларни структурасини аниқлаш, таснифлаш принциплари ва таксономик бирликлар қаторини ишлаб чиқиш ва уларни чегаралаш, ички ва ташқи алоқадорликларни, модда ва энергия алмасиниш қонуниятларини, шу жумладан ўзаро таъсир этиш, яъни интеграция механизмини аниқлаш, динамик хусусиятларини таҳлил қилиш, ландшафтлар ўзгаришини ҳамда янги шаклларини вужудга келтирувчи инсон фаолиятининг қандай турлари антропоген ландшафтларни шаклланишида муҳим эканлигини баҳолаш ва прогнозлашнинг турли методларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд методларни такомиллаштириш, шунингдек, уларни тадқиқ этишда замонавий, аэрокосмик ва инновацион методларни қўллаш бугунги куннинг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Антропоген ландшафтларни тадқиқ қилишда тизим (система)ли тамойил энг асосийлардан ҳисобланади. Ландшафт А.Г.Исаченко (1991) таърифича:

маҳаллий кўламдаги геотизимларнинг ўзига хос йифиндисидан иборат бўлиб, ўзининг зонал ва азонал белгилари бўйича бир бутун ҳамда генетик жиҳатдан яхлит геотизимлардир.[2]

Хозирги босқичдаги асосий ёндашувлардан бири бу антропоген ландшафтларни тадқиқ қилишнинг геоэкологик усулдир. И.П.Герасимов ва бошқалар (1987) географияда геоэкологик усулнинг аҳамияти ва муҳимлигини эътироф этганлар. Геоэкологик усул – табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсири натижасида бир вақтда ҳамда атроф муҳит муҳофазасининг назарияси ишланаётган ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилаётганда муҳим ҳисобланади.

Табиийки, антропоген ландшафтлар маълум даражада мураккаблиги ва хилма-хиллиги билан характерланади. Улардаги мураккаблик энг аввало улардаги турли обьектларнинг ўзаро таъсири, турли даражадаги динамикага эга эканлиги, барқарорлик, эластиклиқ, ўз ҳатти-харакатларининг хилма-хиллиги ва ноаниқлиги билан белгиланади. Шунга қарамай антропоген ландшафтлар жамият қонунлари билан эмас, балки табиат қонунлари асосида ривожланади. Шу туфайли табиий ландшафтларни ўрганувчи усул (метод)лар – экспедиция, аэрокосмик, ландшафт – индикация, картографик ва бошқалар антропоген ландшафтларни ўрганишда тўлиқ қўлланилиши мумкин. Антропоген ландшафтларни тадқиқ қилиш мақсадида: картографик, палеогеографик, табиий аналоглар, дистанцион, ландшафт-индикация, ландшафт-геокимё, дала тадқиқот усулларидан фойдаланиш кутилган самараларни бериши аниқ.

Антропоген ландшафтлар бошқа ландшафтлардан фақат географик хусусиятлари билан эмас, балки ички структурасининг мураккаблиги, структурали-динамик ривожланиши билан ҳам фарқ қиласи. Антропоген ландшафтларни таснифлашда ҳар томонлама пухта ўйланган таксономик бирликлар системасини ишлаб чиқиш, турли муддатлар учун антропоген ландшафт прогнозлаштиришни амалга ошириш, уларнинг геоэкологик ҳолатини ўрганиш, вужудга келган геоэкологик ҳолатларни яхшилашга доир

чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши тадқиқот ишимизнинг олдида турган муҳим вазифалардан эканлигини таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.** Абдулкасимов А.А., Абдулкасимов А., Абдулкасимов И. Антропогенные ландшафты Средней Азии и вопросы экологии. -Т., 2004. -260 с.
- 2.** Исаченко А.Г. Ландшафтovedение физико-географическое районирование. – М.: Высшая школа, 1991. – 368 с.
- 3.** Калесник С.В. Общие географические закономерности Земли. М.: Мысль, 1970. -283 с.
- 4.** Мильков Ф.Н. Ландшафтная сфера Земли. -М., 1970. -208 с.
- 5.** Назаров М.Г. Қашқадарё вилоятининг антропоген ландшафтларини таснифлашнинг айрим масалалари // Илм-фан ва инновация. Илмий- амалий конференция материаллари. -Қарши, 2013. –Б.71-74.
- 6.** Назаров М.Г. Қашқадарё ҳавзасининг антропоген ландшафтлари ва уларнинг геоэкологик ҳолати // PhD дисс. автореф. –Самарқанд, 2020. -19 б.
- 7.** Рябчиков А.М. Структура и динамика геосфера, её естественное развитие и изменение человеком. -М.: Мысл, 1972. –178 с.
- 8.** Саушкин Ю.Г. Культурный ландшафт // Вопросы географии, вып. 1. -М., 1946. -С. 97-106.